

СОВЕТЛАР ВА ДИН: XX АСР 20-30- ЙИЛЛАР ТАРИХИДАН

С.А. Хошимов

Мақола архив ҳужжатлари ва тарихий манбалар асосида XX асрнинг 20-30-йилларида совет ҳокимияти динга қарши олиб борган сиёсат моҳияти ва унинг амалга оширилиши масалаларини ёритишга бағишланган.

Калим сўзлар: дин, черков, масжид, мадраса, руҳонийлар, худосизлар.

В данной статье автор, ссылаясь на исторические данные и документы, анализирует советскую религиозную политику в 20-30-е годы XX века.

Ключевые слова: религия, церковь, мечеть, медресе, духовенство, безбожники

In this article the author analyzes the politics of soviet religion of Uzbekistan during 20-30 years of the XX th century. The analysis based sources from scientific literature.

Key words:

Собиқ совет тузуми иқтисодий таянчларининг вужудга келиши маънавий ҳаётнинг зўравонлик билан умумийлаштириш, коммунистик мафкуранинг кенг миқёсда ёпирилиб кириши билан бирга борди. Зеро, Президентимиз И.А. Каримов асосли равишда таъкидлаб ўтганидек, "... юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун, аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жихатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар» [1].

Октябрь тўнтариши билан ҳокимиятни қўлга киритган советлар томонидан Туркистон жамиятининг маънавий ҳаётига ҳалокатли зарбалар берилди. Совет тузумининг «маданий» сиёсати аввал бошданок ахлоқ, адабиёт, санъатни миллий заминдан ажратиб қўйишга, миллий фикрлаш тарзига ёт бўлган «пролетар маданияти»ни ва коммунистик мафкурани сингдиришга йўналтирилди.

Маданий соҳаларни мафкура измига солиш дин масалаларини ҳам четлаб ўтмади. Большевик ҳукмдорлар ўлкада мустабид-империяча тузумни барпо этиш мантиғига амал қилиб ва тузумга тўғри келмайдиган ижтимоий онг шакллари, айниқса ўлка халқларини яқдил жамоа сифатида бирлаштирувчи ислом дини ва унинг кадриятларини сиқиб чиқаришга интилиб, аввало, маҳаллий аҳолининг диний эътиқодига қарши ҳужумни авж олдиришди. Чунки совет ҳокимияти халқимизнинг миллий ва диний маънавиятини ўзгартирмасдан туриб бу ўлкада узоқ муддат ҳукмронлик қила олмасликлари яхши билар эди. Аммо дин ва диний уламоларга қарши қатағон сиёсатини большевиклар бирданига эмас, балки аста-секин, босқичма-босқич амалга ошириб бордилар. Россия совет Республикаси ХКС нинг 1917 йил 20 ноябрдаги «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатида: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз ... бундан буён эркин ва дахлсиз...» [2.283] деб эълон қилинди. Бироқ реал ҳаётда бунинг акси бўлди.

Амалда эса мутлақо бошқа қонунлар ҳукмронлик қилди. Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 2 январдаги "Черковни давлатдан ажратиш тўғрисида"ги декрети, 1918 йил ноябрида Туркистонда эълон қилинган динни давлатдан, мактабни диндан ажратиш тўғрисида декрет ҳамда шу каби қатор бошқа кўрсатмалар асосида масжидлар ва мадрасалар ёппасига ёпила бошланди, ислом динига, унинг раҳнамоларига нисбатан кучли тазйик, ҳақорат, хўрлашлар авж олдирилди. 1920-йиллар бошларида халқ оммасининг қаҳр-ғазаби ошиши натижасида вақфлар, қозиликларнинг тугатилиши тўхтатилган бўлса ҳам (кейинроқ 1928 йил махсус қарор билан вақфлар тугатилган), советлар ҳокимиятининг ерли аҳоли маданияти, имон-эътиқодига душманлик сиёсати ўзгармади. Бундай сиёсат совет тузуми ўрнатилиши биланок Хива ва Бухоро ҳудудларида ҳам қўлланила бошлади.

Хивадаги хон саройида солдатлар казармаси жойлашди, у ерга отлар боғланди. Мадрасалар ёпилди, вақф мулклари мусодара қилинди, мактаб ва мадрасаларда таҳсил олаётган 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва кизлар рўйхатини тузишга буйруқ берилди. Бу буйруқ эълон қилинган куннинг эртасигаёқ Муҳаммадаминхон мадрасисида имом, охун, қози ва шаҳар маҳаллалари оқсоқоллари намойишга йиғилдилар. Оқсоқоллар аҳолини бу намойишга келишгагина эмас, бутун совет ҳукуматида қарши ташвиқот қилдилар. Натижада 1920 йил июнида Хивада мадраса ўқувчилари, мударрислар исён кўтардилар. 5-6 минг киши қатнашган кўзғолон қизил аскарлар ёрдамида бостирилди. Исён ташкилотчилари қамоққа олинди, қозикалон Иброҳим

охун, Рафи охун, Саиджон қори, Мулла Муҳаммадниёз Баҳодирхон, Муҳаммадамин охунлар отиб ташланди [3.9]. Қўзғолон, ўз навбатида, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига кучли таъсир кўрсатди. Бу воқеа жамиятда руҳонийлар катта куч эканлиги, халқ оммаси советларга нисбатан руҳонийларни кўпроқ қўллаб-қувватлашини намойиш қилди. Совет ҳукумати ўз диний сиёсатини ўзгартиришга мажбур бўлди.

Бухоро шаҳрига Фрунзе бошчилигидаги қизил армия қўшинлари ҳужум қилиб, снарядлар ёғдирганида, маданий-тарихий аҳамиятга эга бўлган арк ва бошқа обидалар ёнғинда қолди, вайрон бўлди. Машхур Минораи Калон тўплардан нишонга олинди, унга жиддий зарар етказилди. Пойтахтда, қатор вилоят ва туманларда масжидлар, мадрасалар бузилди, қўшин отхоналарига айлантирилди. Россия эмиссари **И.Сольц Бухоро республикасида иккита вазифа бўлиб, улардан биттаси «муллаларнинг ғоявий таъсирига қарши кураш» деб белгилаган** эди [6.281]. Сўл гуруҳлар эса «эски мактабларга қарши кураш»ни байроқ қилиб кўтардилар.

1929 йилдан собиқ иттифокда черков ва масжидларга қарши янгитдан ҳужум бошланди. Юзлаб черков ва масжидлар, тарихий обидалар бузиб ташланди. Жумладан, собиқ иттифок марказида ҳам черков қўнғироқлари саноатга металл кераклиги баҳонасида олиб ташланди, қўнғироқлар овози ишчиларнинг ишлашига “халакит бермаслиги керак” деб уқтирилди [4.237].

1929 йил 8 апрелда ҳукуматнинг черков ва масжидлар даромадини назорат қилишни кучайтириш тўғрисидаги фармойиши қабул қилинди. 22 майда собиқ иттифок конституциясининг 13 моддасига тузатиш киритилди: диний-маданий кадрларга эркинлик бериш баробарида унга қарши ташвиқот олиб боришга ҳам рухсат этилди. Диний тарғибот бора-бора давлатга қарши сиёсат деб баҳолана бошланди. Диндорлар, диний хизматчилар ҳамда уларнинг оилалари фуқаролик ҳуқуқларидан, хусусан, тиббий ёрдам олиш, савдо қарточкаларидан, коммунал уй-жойлардан фойдаланиш кабилардан маҳрум этилган. Шунингдек, диндорларнинг болалари мактабга бориш ва олий ўқув юртларида ўқиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Баъзи ҳолларда диний уламоларнинг фарзандлари яшаш ва ўқиш учун отадан воз кечиб, фамилияларини ўзгартиришга ҳам мажбур бўлганлар.

Динга қарши кураш байроғига айлантирилган “дин-халқ учун афюндир” ғояси ҳамда 1929 йил бошида Л.М.Каганович имзоси билан жойларга, жумладан, Ўзбекистонга ҳам юборилган “диний ташкилотлар оммага таъсир кўрсатувчи бирдан-бир аксилинқилобий кучдир” деган кўрсатма дин ва диндорларга қарши кураш учун асос бўлиб хизмат қилди. Диний муасасаларни ёпиб қўя бошладилар, уларнинг мол-мулки мусодара қилинди, руҳонийлар ва обрўли мусулмон арбоблари айбсиз ҳибсга олиниб, диндорлар эса таъқиб ва тазъийқ остида қолдилар. Диний адабиётлар «реакцион» деб эълон қилинди. Диний китобларни йўқотиш баҳонасида араб имлосига асосланган эски ўзбек имлосидаги барча китоблар йўқ қилинди. Масжид ва мадрасалар бузиб ташланди.

Илғор руҳонийларнинг, масалан, таълим ислохотларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари рад этилди. Расмий ҳукумат буни руҳонийларнинг янги шарт-шароитларга мослашиб олиш учун уринаётган айёрона хатти-ҳаракатидир деб баҳолади [3.285]. Партия ва давлат арбоблари орасида ислом дини Ўрта Осиёдаги маҳаллий миллатларнинг мустамлакачилик зулмига ва руслаштиришга қарши раҳнамоси деган фикр мавжуд эди [5.76]. Шунинг учун ҳам 1930-йилларда динга ва руҳонийларга қарши очикдан-очик «совуқ уруш» эълон қилинди. Бунинг учун махсус «Курашчан худосизлар» ташкилоти тузилиб, унинг бўлинмалари барча қорхона ва муассасаларда ташкил этилди. «Курашчан худосизлар» иттифоқи умумий шубҳаланиш вазиятини кучайтиришда катта роль ўйнади. Бу ташкилот берган маълумотлар асосида республика ҳукумати томонидан 1931 йилнинг ўзида Фарғона, Бекобод ва Тошкентда бир қатор черковлар, масжидлар ва диний мактаблар ёпиб қўйилди [6.394].

Тошкентнинг Октябрь тумани аҳолиси комсомол клубларига айлантирилган масжидларни халққа қайтариш талаби билан чиқди. Лекин бу чиқишлар тузумга қарши уюштирилган тарғибот деб баҳоланди. «Курашчан худосизлар» иттифоқи ҳисоботида кўра, 1931 йилда унинг сафига Ўзбекистонда 90 000 киши аъзо бўлган, улардан 60 000 нафари ёшлар эди [6.394].

Шу аснода большевиклар ўзгача динни, ўзгача эътиқодни халқ онига сингдиришга ҳаракат қилди. Бу дин – партиянинг дини, яъни марксизм ғояси эди. Бу ғояни оммалаштириш учун барча имкониятлар, воситалар ишга солинди. Жамиятга асосий мафкура сифатида марксизмнинг киритилиши натижасида ўзгача дунёқарашлар батамом инкор этилди. Марксизм ғоясини қабул қилмаган ҳар бир киши, у ким бўлишидан қатъи назар, «халқ душмани» деб эълон қилинди.

Советлар тарихида масжид ҳамда мадрасаларга қарши юритилган сиёсат силсиласида 1934-1939 ва 1954-1955 йиллар алоҳида ўрин тутади. 1929-1939 йиллар орасида фақат биргина

Ўзбекистон ҳудудининг ўзида 14 000 масжид ёптирилиб, буздирилган. Шайхлар, имомлар ва бошқа диний арбоблар қамоққа олинган, сургунга юборилган ва қатл қилинган [7].

Жумладан, 1930-йилларда Қорақалпоғистон республикаси, Беруний тумани ҳудудидаги Султон Вайс бобога атаб IX асрда қурилган мақбара ва масжиднинг тиллодан ясалган жиҳозлари, ҳар хил буюмлари талон-гараж қилиниб, мадраса эса бузиб ташланган. Бухоро меъморий ёдгорликларидан Кўкалдош мадрасаси ва Девонбеги хонақосида Бухоро шаҳар музейи бўлими фаолият юритган. Масжиди Калондан ғалла омбори сифатида фойдаланилган, Кўшмадрасада пахта сақланган. Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳи минерал ўғитлар сақланадиган омборхонага айлантирилган [7]. 1938 йилда Бешкент туман партия ва ижроия қўмиталари кўшма ҳаёти йиғилишининг қарорига асосан Касби қишлоқ советидаги кўҳна масжид ғиштлари Сталин номли жамоа хўжалиги аъзоларининг “розилиги” билан олиниб, бошқа керакли жойга харажланган. [8.226] Ана шу тариқа қадимий тарихий обидалар, масжид ва мадрасаларни бузиш, ғиштларини «керакли» жойларга ишлатиш каби воқеа-ҳодисалар бутун Ўзбекистон ҳудудида анъанавий тус олган эди.

Республикада ўша йилларда 74 та рўйхатдан ўтган зиёратгоҳ-қадамжолар бўлиб, улар доимий тарзда партия органлари диққат эътиборида турган [9]

Рухонийлар ва диндорларни сиёсий ва жисмонан таъкиб қилиш халқнинг маънавий маданиятига ниҳоят даражада катта заволят етказди. Ижтимоий ҳаётда, маъмурий-буйруқбозлик тартиботи ўрнатилиши билан динга илмий нуқтаи назар инкор этила бошланди. Дин билан атеизмнинг дунёқараш жиҳатидан бир-бирига қарама-қаршилиги сиёсий қарама-қаршилик билан алмаштирилди. «Социализмда динга ўрин йўқ, унга дин бегона» деган фанатик қараш, қоида устун бўлиб қолди. Шундай қилиб, динга нисбатан салбий муносабат динга қарши зўрлик кўрсатишга айланиб кетди. Масжидлар ҳам, черковлар ҳам, уларга ихлос қўйган барча диндорлар ҳам бу даврда оғир таъкиб ва тазйиқларни бошдан кечирдилар. Масжид ва мадрасаларнинг деярли ҳаммаси фақат диний эмас, маданият, илм, тарбия, санъат марказлари бўлганига қарамай беркитиб қўйилди.

Бироқ шахсга сиғиниш йилларида ва ундан кейинги даврда атеизмни зўрлаб тиқиштириш ва исломга қарши зўрлик ўтказиш диннинг йўқ бўлишига олиб келмади. Диндорлар масжид ва диний раҳнаmolари – рухонийлардан маҳрум этилган бўлсалар ҳам, тоат-ибодатларини яширинча давом эттиравердилар. Албатта, масжид, мадрасаларнинг ёпилиши, рухонийларнинг қатағон қилиниши аҳоли орасида умуминсоний ахлоқий қадриятларни, миллий маънавиятни тарғиб қилиш, қарор топтириш ишига катта зиён етказди. Ёш авлод ислом дини қолдирган улкан маънавий меросдан маҳрум бўлди. Бу эса Ўзбекистоннинг шу даврдаги ижтимоий-маънавий ҳаётига, шубҳасиз, салбий таъсир кўрсатди. XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб республикага И.А.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарият келиши натижасида маънавий ҳаётдаги салбий кўринишларга барҳам берилиб, ўзбек халқининг асрий орзуси бўлмиш мустақиллик сари шахдам қадам қўйила бошланди. Диний ва миллий қадриятларимиз мустақиллик туфайли қайта тикланди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. // Халқ сўзи.- 1998.- 17 июнь.
2. Икромов А. О духовенстве и школе // Избранные труды в 3-х томах. Т.1.- Т., 1972.- 486 б.
3. ЎзР МДА, 71-фонд, 1-оп., 128-д.
4. Геллер М., Некрич А. История России 1917-1995. В 4-х томах. Утопия у власти. Книга Первая. Социализм в одной стране.- М., 1996.- 521 с
5. Хансуваров И. Мусульманство // Коммунистическая мысль. Кн.5.-Т., 1927.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустақилчилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев.- Т.: Шарқ, 2000.-686 б.
7. Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1993.- 4 июнь
8. Саидов М., Равшанов П. Жейнов архиви.- Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр, 1996.- 521 б.
9. Тошкент оқшоми.- 1983.-15 июнь.

*Андижон давлат университети,
2015 йил июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)*